

## ИСТИҚБОЛДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ХИСОБИНИ ЮРИТИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАШБОРДЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Пардаев Файзулла Фаффарович*

*“Ўзагросервис” АЖнинг Ички аудит хизмати бош мутахассиси*

*Мухиддин Абдуллаевич Қурбонов*

*Солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институти “Солиқлар ва солиққа  
тортиш” кафедраси доценти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада 2020-2023 йилларда қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаган ислохотларнинг самарадорлиги, товарлар (хизматлар) нархини шакллантиришда автоматлаштирилган тизимниқўшилган қиймат солиғининг таъсири, қўшилган қиймат солиғи бўйича занжирнинг ўзаро номутаносиблиги ва солиқ режими такомиллаштирилиши кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш, товарлар (хизматлар) нархига таъсир, занжирнинг номутаносиблиги.

**Abstract:** This article discusses the effectiveness of reforms in Uzbekistan to improve the value added tax in 2020-2023, the impact of value added tax on the pricing of goods (services), the imbalance of the value added tax chain and the improvement of the tax regime.

**Keywords:** improvement of value added tax, impact on the price of goods (services), chain imbalance.

### К И Р И Ш

**Қўшилган қиймат** - бу иқтисодий моҳиятига кўра сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом ашё ва хизматлар қиймати ўртасидаги фарқнинг ифодасидир. Табиийки, ишлаб чиқариш жараёнида, кейинчалик эса меҳнат тақсимооти натижасида маълум маҳсулот ишлаб чиқариш ва муомалалар жараёнида бир неча босқичдан ўтади, токи у бозорга чиқарилгунга қадар бу босқичларнинг ҳар бирида қўшимча қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат солиғи жаҳон амалиётида нисбатан янги солиқ ҳисобланади. У илк бор Францияда XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида жорий этилган ва кейинчалик иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида дунёнинг турли бурчакларида кўплаб мамлакатларда билвосита солиққа тортишнинг асосий шаклига айланган.

қўшилган қиймат солиғи бўйин товлаш қийин бўлган истеъмолни солиққа тортишдаги бюджетга барқарор ва кафолатли маблағлар оқимини таъминовчи

кучли фискал инструментга айланди. Шу билан бирга қўшилган қиймат солиғи мамлакатларда бозор иқтисодиётини солиқлар воситасида тартибга солиш тизимида муҳим тактик восита сифатида ҳам қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган аксарият мамлакатлар учун қўшилган қиймат солиғи корхоналар фойда солиғи ставкаларини камайтириш ҳисобига бюджет даромадларининг йўқотилишини қоплашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Давлат тўғри солиқлар ставкаларини пасайтириш ва ўз навбатида бюджет даромадларида истеъмол солиғи улушини кўпайтириш орқали миллий капитал ва хусусий ташаббусларга инвестицияларни, даромадни солиққа тортишни эркинлаштиришни ва ўзини-ўзи тартибга солувчи бозор механизмларини рағбатлантиради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили** -Қўшилган қиймат солиғинининг иқтисодий моҳияти, унинг товарлар (хизматлар) нархига таъсири бўйича илмий изланишлар олиб борган хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Дж.М.Кейнс, Дж.С.Миль, И.Караеваларни кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз олимларидан Ш.Тошматов, Т.Маликов, Ф.Шарипов, М.Комиловлар томонидан қўшилган қиймат солиғининг такомиллаштирилиши, республикада амал қилиш механизми, унинг ташқи савдо фаолиятига таъсири, солиқ юкига таъсири этувчи омиллар, солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш масалаларини ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борган.

Бугунги кунда республикадаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўшилган қиймат солиғи бўйича занжирда узулишлар мавжудлиги, имтиёзлар кўплиги, давлат томонидан ижтимоий аҳамиятга молик товарлар нархлари тартибга солиниши ва турли солиқ режимлари (айланмадан солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқ) мавжудлиги товарлар (хизматлар) нархига ўз таъсирини ўтказмоқда.

**Тадқиқот методологияси**- Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди. 2020-2023 йилларда республикада қўшилган қиймат солиғи бўйича занжири яратилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ва солиқ имтиёзлари, давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятга молик товарларга (хизматларга) қўшилган қиймат солиғининг таъсири таҳлил қилинди. Таҳлил ва натижалар Ҳаракатлар стратегиясига асосан солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши натижасида, қўшилган қиймат солиғи бўйича тушум 2020 йилда 14 685,8 млрд.сўмни ёки республика бюджетининг 29,6 фоизини, мос равишда 2021 йилда 27 876,5 млрд.сўмни ёки 35,2 фоизни, 2022 йилда 33 809,8 млрд.сўмни ёки 30,1 фоизни ташкил этиб, олиб борилган ислохотлар самарасини тушум суммаси мисолида йилдан йилга ўсиши орқали кузатиш мумкин.

Маҳаллий шароит ва чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз қўшилган қиймат солиғи ставкаларини амалдаги қонунчиликка кўра ноль даражали ставка кўзда тутилган оборотларга — 0 фоиз, энг зарур озиқ - овқат (ун, нон, шакар, ёғ- мой, гуруч ва ш.к.) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, дори-дармон ва доббиёт мақсадларидаги бошқа товарлар, маънавий ва маданий эҳтиёж предметлари (китоб, газета, журнал, санъат асарлари ва х-к.), хунармандчилик буюмлари, болалар ўйинчоқлари, жамоатчилик -фанспорта ва шу кабилар учун — 10 фоиз (имтиёзли), бошқа барча товар учун -12 фоиз (умумий) бўлган табақалаштиришни таклиф этамиз.

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИ ҚҚС ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА МАХСУС РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ**

**ОЛДИНГИ ТАРТИБ**  
Адли вазарлиқдан 2020 йил 2 майда 3232 рақам билан рўйхатлаш олинган

Солиқ тўловчининг аризаси (my.soliq.uz орқали)

1-мажбурий - 2-эҳтиёрий.

**1** ДСБ  
1. Ариза кўриб чиқиш (5 иш кўни)  
2. Қарор қабул қилиш

**2** ДСҚ  
1. Гувоҳнома бериш (ҚҚС тўловчи ягона реестрда)  
2. Солиқ тўловчинини шахсий кабинетга орадали оғоҳлантириш

Низомда ариза 5 кун ичида кўриб чиқилиб солиқ органи раҳбари ёки ўринбосари томонидан рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиниши белгиланган.

Солиқ органи томонидан аризани кўриб чиқиш ва аризани рад қилиш мезонлари белгиланмаган.

**МУАММОЛАР**

"Шубҳали" корхоналар **857 та**

Контрагентлар **17 112 та**

1 505,5 млрд.сўмга "Бир кунлик" фирмалар билан ишлаганликларни тасдиқловчи

3 913 тага 100,8 млрд.сўмга иккинчи раундда қайта ҳисобот тақдим этди

110 тага 10,6 фоизга 24,5 млрд.сўмга қисман пассивлеи топди

302 тага (2,3 фоизга) 87 млрд.сўмга қайтариб берилди

14 068 та корхонага ДСҚда ҳисобга олинган ҚҚС сўмаларга 1 448,0 млрд.сўмга тўловчилар келтирилди

905 тага бўйича ҳуқуқлар қўриқчи нуқсонга келтирилган ортиқчага қўрилди

302 тага кенгайтирилган қўрилган (1,8 тран.сўм ҳисобланган)

5 823 та корхонага 84 млрд.сўмлик солиқ қардорлик тўлов муддати узайтирилди

Мурокаат қилган 768 та субъектга 100,3 млрд.сўмлик ҚҚС бўлиб-бўлиб тўлашларига руҳсет берилди

**ЯНГИ ТАРТИБ**  
Вазирлар Маҳкамасининча 2021 йил 22 сентябрдаги 595-Қарори рақам билан рўйхатлаш олинган

**Асосий ўзгаришлар**

Аризаларни кўриб чиқиш-7 кун ичида

Солиқ хавфини аниқлашнинг автоматлаштирилган тизими

Шубҳали ҳақида солиқ хавфи юқори бўлган корхоналарнинг аризасини рад этиш асослари

ҚҚС гувоҳномаларини вақтинча тўхтатиб туриш амалиёти (юқори хавф тоифасидаги корхоналар учун)

Янги тақдим этилган аризаларни ўрганишнинг 18 та мезонлари аниқ белгиленганлиги

Солиқ хавфининг аниқлашнинг автоматлаштирилган тизими орадали корхоналар қўйидаги хавф гуруҳларига ажратилади:

Юқори-рад этилади ёки гувоҳномаси тўхтатилади.

Ўрта-шартли рўйхатдан ўтказилади

Паст-рўйхатдан ўтказилади

**БУГУНГИ КУНДА**

Жами фаол ҚҚС тўловчилар сони	141 939 та
шундан солиқ хавфи:	
юқори	103 292 та (73%)
ўрта	34 128 та (24%)
паст	4 519 та (3%)

### 1-расм солиқ тўловчиларни ққс тўловчиси сифатида махсус рўйхатдан ўтказишнинг янги тартиби<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалиб бораётган блокчейн технологиясини солиқ маъмурчилиги, жумладан, қўшилган қиймат солиғи механизмига жорий этиш солиқ назорати тизимини соддалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, тўловлар ва активларни ўтказиш ҳамда ҳисобга олиш жараёнини автоматлаштиришда катта имкониятларни яратади.

“Blockchain” термини инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “занжирли механизм” маъносини англатади. Бошқача айтганда, блокчейн технологияси маълум бир электрон тизим доирасида амалга оширилган битимлар ёки бошқа рақамли ходисалар мажмуини ўзида акс этгирган маълумотлар базасидир. Блокчейн технологияси асосида сақланадиган маълумотлар хавфсиз ва шаффоф

<sup>1</sup> Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). давлат харидлари жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ахборот коммуникация технологияларни такомиллаштириш. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

бўлиб, уларни ўзгартириш имконсиздир. Маълумотлар алмашинуви марказлашган серверларга қараганда анча тез ишлаши каби имкониятлари блокчейн технологиясини интернет оламида оламшумул янгилик даражасига олиб чиқди. Шу сабабдан ҳам ушбу технологияни занжирли механизмга асосланган қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигида қўллаш бугунги кунда жуда долзарбдир.

6 Солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келганда (18 кв.м.дан кам бўлмаган)	7 Товарлар номуносаблиги
<p><b>Корхона номи -"Backstein Industry" МЧЖ</b> (СТИР:306430465) Фаолияти: Ишлаб чиқариш. Товар айланмаси: 1 025,0 млн.сўм Рўйхатдан ўтган ҳудуд-Тошкент вилояти Раҳбари-Б.Инагамов (ЖШШИР: 32106880220013) Солиқ хавфи- <b>Юқори</b> Мезон-Солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келганда (18 кв.м.дан кам бўлмаган). Бартираф этиш учун- Кадастр маълумотлари базасида корхонанинг балансида ёки <a href="http://ijara.soliq.uz">ijara.soliq.uz</a> сайти орқали рўйхатдан ўтказилган ижара шартномада 18 кв.метрдан ортиқ ер ёки кўчмас мулки мавжуд бўлиши лозим.</p> 	<p><b>Корхона номи -"SHAIKH 777" МЧЖ</b> (СТИР:308067923) Рўйхатдан ўтган ҳудуд-Андижон вилояти Раҳбари-Ф.Абдувалиев (ЖШШИР: 30307911240136) Солиқ хавфи- <b>Юқори</b> Мезон-Ҳисобварақ-фактуралар таҳлилида олинган маълумотлар асосида харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатураси номувофиқ бўлганлиги Харид-шакар, маиший техника, ем маҳсулотлари Сотув- мато, озиқ-овқат, мақалаттура, темир Бартираф этиш учун- Солиқ мажбуриятлари тўлиқ бажариш орқали (ҳисобларни топшириш, солиқларни тўлаш ва ҳаказо)</p> 

2-расм Солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келганда (18 кв.м.дан кам бўлмаган)<sup>2</sup>

МДХ давлатлари орасида Қозоғистон Республикаси блокчейн технологиясини қўшилган қиймат солиғи механизмида қўллаш бўйича лойиҳаларни бошлаган. Унга кўра реал вақт режимида қўшилган қиймат солиғининг молиявий оқимларини кузатиб бориш, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари шаффоф бжарилишини таъминлаш ҳамда қўшилган қиймат солиғи манфий тафовутини қоплаш муддатини 55 кундан 15 иш кунигача қисқартириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, қўшилган қиймат солиғи маъмурчилигида блокчейн технологиясидан фойдаланиш орқали 2025 йилга келиб давлат бюджетига қўшимча 1,5 трлн тенге даромад келтириш прогноз қилинмоқда.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи механизмини рақамлаштириш борасида ишлар олиб борилиб, бугунги кунда ушбу солиқнинг ягона

<sup>2</sup> Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). давлат харидлари жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ахборот коммуникация технологияларни такомиллаштириш. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>

автоматлаштирилган тизими (қўшилган қиймат солиғи тўловчилари реестри) ишлаб чиқилган. ҳозирда қўшилган қиймат солиғи манфий тафовут суммаларини қоплаш “my.soliq.uz” портали орқали амалга оширилмоқда. бугунги кунга келиб жами 106195 та қўшилган қиймат солиғи тўловчилардан 98191 таси (93%) электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланишга ўтган. Айни вақтга қадар улар томонидан шакллантирилган ЭҲФлар (Электрон ҳисоб-варақ-фактура) сони 12,1 млн.дан ортиқ. Мамлакатимиз солиқ тизимига блокчейн технологияси жорий этилмаган бўлсада, солиқ маъмурчилигида бошқа илғор технологиялардан фойдаланилмоқда. Хусусан, улар ичидан “Mongo sharding” (sharding key by TIN) дастури маълумотларни сақлаш учун керак бўлса, “Redis” (Remote Dictionary Server) дастури маълумотларни хотирада сақлаш базаси бўлиб ҳисобланади ва реал вақт режимида ишлайдиган дастур вазифаларини ҳам бажаради. “RabbitMQ” эса маълумотлар тезкор алмашинуви учун жуда зарур дастурий таъминот ҳисобланди.

### Хулосалар

- қўшилган қиймат солиғининг нархга таъсирини камайтириш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш бўйича муддатсиз берилган солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш;

- ҳар хил уюшма ва ассоциациялар таркибига кирган ташкилотлар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни қайта кўриб чиқиш;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сонли қарори билан ижтимоий аҳамиятга эга товарлар рўйхатига киритилган шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўловчиларни ташиш хизматлари (йўналишли ва линияли таксилардан ташқари), пахта маҳсулоти (пахта хомашёси, пахта толаси, техник уруғлик), минерал ўғитлар, этил спирти, дон (харид нархлари), минерал ўғитларни рўйхатдан чиқариш;

- товар айланмаси миқдоридан қатъи назар, барча юридик шахсларни қўшилган қиймат солиғини тўлаш режимида ўтказиш;

- хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини қисқартирган ҳолда фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларини кенгайтириш орқали қўшилган қиймат солиғини тўлаш режимида ўтказиш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.

2. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World

- Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715>
3. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОЙИ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>
4. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
5. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. (Darslik). –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.
6. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>
7. Қурбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
8. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
9. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.
10. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>
11. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4405](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405)
12. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>

13. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
14. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13). <https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>
15. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy, International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>
16. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).
17. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11795](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795)
18. Pardayevich, K. V. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
19. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
20. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. *International Finance and Accounting*, 2021(2), 29.
21. Djamalov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 11(11), 74-79.

22. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

23. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).

24. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

25. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

26. Fayziev Farrukh Abdullahojaevich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>